



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 9 январь, № 7 (4670)

Жума

ВАТАНГА МУҲАББАТ ВА САДОҚАТ

билим масканида таҳсил олаётган ҳар бир ўқувчи учун муқаддасдир

14 январь —
Ватан ҳимоячилари куни

Ҳарбий телекоммуникация йўналишидаги Тошкент академик лицейи чин маънодаги истиқлол меvasи. У Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 22 майдаги "Ҳарбий академик лицейлар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан ташкил этилган Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази тасарруфидagi таълим муассасасидир.

Утган йили академик лицей ўқув биноси ва ётоқхонаси тўла капитал таъмирдан чиқарилди. Қўшимча 150 ўринли ётоқхона, ошхона ҳамда спорт зали қурилиб, ўқувчилар ихтиёрига топширилди. Бу ерда ўз фанининг фидойиси бўлган тажрибали педагоглар анчагина.

— Ўқувчиларнинг билим самарадорлигини ошириш мақсадида лицейда таълимнинг ноанъанавий усулларидан фойдаланилмоқда. Жумладан, ўқув йили давомида мунтазам ойлиқлар,



(Давоми 3-бетда).

Анжуман

"Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг муҳандислик-техник марказида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан ташкил этилган "IP телефония NGN тармоқлари асоси сифатида, NGN тармоқлари хавфсизлиги" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

NGN — КЕЛАЖАК АВЛОД ТАРМОҒИ

Семинарда мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Жумладан, аънавий телекоммуникациялардан NGN тармоқларига ўтиш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди. Замонавий транспорт инфратузилмаси шакллантирилди, тармоқларни рақамлаштириш буйича ишлар якунланмоқда, абонентлар фойдаланаётган тармоқлар қайта қуришмоқда, модернизация қилинмоқда, NGN вазифасини ба-жарувчи ускуналар ўрнатилмоқда.

Икки кун давомида алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси раҳбар ва мутахассислари NGN технологияларининг базавий билимларини буйича маърузалар тингладилар. NGN атамаси — Next Generation Network — Келажак авлод тармоғи деган маънони англатади. У сифати кафолатланган кўлаб телекоммуникация хизматларини тақдим этиш ва фойдаланувчининг мослашувчанлигини таъминлайдиган кенг посыласи тармоқ пакетли асосда ташкил этилган. Бошқача айтганда, NGN — видеотелефон, видеоконференция, Интернетдан юқори тезлик билан фойдаланиш, маълумотларни тезкор узатиш, шу жумладан, рақамли телевидение, IP — телевидениени ижарага бериш, мультисервис корпоратив

(Давоми 2-бетда).

ЭНГ АСОСИЙ МЕЗОН — ҲАЁТ ҲАҚИҚАТИНИ АКС ЭТТИРИШ

Шу йил 7 январь куни Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмасининг Миллий матбуот марказида маънавий-маърифий тарғибот ишларининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш масаласига бағишланган амалий мулоқот бўлиб ўтди. Унда электрон ва босма оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари, журналистлар, ижодий жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг миллий ўзлигимизни англаш, бебаҳо маънавий меросимизни асраб-авайлаш ва халқимизга етказиш борасида оммавий ахборот воситалари ходимлари олдида турган долзарб вазифалар ҳақидаги фикрлари билан ййғилиш қатнашчиларини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов таништирди.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан баён этилган фикрларда аввало бугунги кунда жаҳон миқёсида кечаятган глобаллашув вақтида четдан кўлами ва миқёсини ўлчаб бўлмайдиган шиддатли информация оқими кириб келяпти, улар орасида бизга ёт ва беғона бўлган зарарли ғоялар ҳам оз эмас. Ҳаммамиз яхши тушунамизки, бундай хатарлардан сақланиш учун жамоатни темир девор билан ўраб, ҳимоя қилиб бўлмайдими.

Шундай мураккаб ва қалтис вазиятда оммавий ахборот воситалари ходимларидан аввало ҳали ҳаётий тажрибаси етарли бўлмаган, онг тафаккури, ахлоқий қарашлари эндигина шаклланиб келаётган ёшларимизни

Бугунги кунда оммавий ахборот воситаларининг вазифалари ҳам, улар олдида қўйиладиган талаблар ҳам кўп. Лекин энг асосий, халқчилуви талаб — ҳақиқатни, ҳаётни тўлақонли акс эттиришдан иборат. Зеро, ҳақиқат журналистиканинг ўзгармас ва доимий шартидир. Айни вақтда матбуот ва эфир орқали ҳақиқатни ёритиш, одамларга етказиш ҳар қайси журналистнинг билим ва тажрибаси, унинг профессионал маҳоратига, гражданлик позициясига боғлиқ.

Ҳеч кимга сир эмас, ҳозирги вақтда четдан кўлами ва миқёсини ўлчаб бўлмайдиган шиддатли информация оқими кириб келяпти, улар орасида бизга ёт ва беғона бўлган зарарли ғоялар ҳам оз эмас. Ҳаммамиз яхши тушунамизки, бундай хатарлардан сақланиш учун жамоатни темир девор билан ўраб, ҳимоя қилиб бўлмайдими.

Шундай мураккаб ва қалтис вазиятда оммавий ахборот воситалари ходимларидан аввало ҳали ҳаётий тажрибаси етарли бўлмаган, онг тафаккури, ахлоқий қарашлари эндигина шаклланиб келаётган ёшларимизни

маънавий жиҳатдан қуроллантиришга ёрдам бериш талаб этилади. Бу ўринда гап уларнинг дунёқарши, иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш ҳақида бормоқда. Ўғил-қизларимизнинг ҳаётга муносабати соғлом асосда, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида шаклланиши учун аввало уларга маънавий озиқ бериш, бугун оламда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини, сабаб ва оқибатларини ҳаққоний, таъсирчан мисоллар орқали тушунириш, энг муҳими, уни-ўсиб келаётган фарзандларимизни мустақил фикрлашга ўргатишга қўмаклашиш зарур.

Бу йилда кўрайлик, ўз мустақил фикрига эга бўлиш — бу нима дегани? Бу аввало кўп-кўп фикр ва мисолларни ўзаро солиштириб, қиёслаб, уларнинг ичидан яққо ягона тўғри ҳақиқатни ажратиб олиш, уни ўз онгига сингдириш, шундан ҳулоса чиқариб яшашга қодир бўлиш демакдир.

Албатта, ҳақиқатни очиб бериш дегани бир қарашда жуда содда, ҳаттоки, жўн гап бўлиб туюлиши мумкин. Ҳақиқат ё бор, ё йўқ, унинг нимасини очиб бериш мумкин, деган савол туғилиши ҳам балки ўринлидир. Лекин мафкуравий кураш тобора кескинлашиб бораётган бугунги замонда шундай устаси фаранглар борки, улар ҳар қандай ёлғонни ҳам ҳақиқат деб боплаб тушунириб қўядики, баъзан қўп-қўпий ўйдирмаларга қандай ишонганингизни билмай қоласиз.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ

бўйлаб
Воқеалар,
янгиликлар,
хабарлар

Бухоро туманидаги Навгади қишлоғида фаолият кўрсатаётган "Шижоат текстилмаш" фирмасида тайёрланаётган турли ҳажм ва кўринишдаги мимик сочиқларнинг ўттиз саккиз фоизи хорижга экспорт қилинмоқда.

Навгади маҳсулотни — хорижга

— Корхонамизда ўттиз нафар йигит-қиз меҳнат қилапти, — дейди фирма раҳбари Мизроб Ихтиёров. — 2008 йилда 105 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот сотдик. Бу 2007 йилдагига қараганда икки баравар кўпдир.

Бу ерга яқинда Хитойдан замонавий тўқув дастгоҳлари олиб келинди. Улар ишга туширилиши билан корхонанинг экспорт салоҳияти саксон фоизга етиши кутилмоқда.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тадбиркор Бахтиёр Юсупов бундан ўн йил олдин Хива туманидаги "Гиламчи" маҳалласида хусусий корхона ташкил этиб, аҳолига компьютер хизматлари кўрсатишни йўлга қўйган эди.

Қишлоқда сервис хизмати

Бу давр мобайнида маҳалладаги 100 нафардан ортиқ йигит-қизлар шу ерда компьютер саводхонлиги буйича билим олдилар. Уларга махсус сертификат ҳам берилди. Энди бу ерда қўшни маҳаллалар ёшлари ҳам компьютер сирларини ўрганмоқдалар.

Корхона қошида компьютер жамланмаларини таъмирлаш устанонаси, дўкон, чойхона ҳам ишлаб турибди. Компьютерни пухта ўрганган қишлоқ ёшлари эса хунар ўрганиб, ишли бўлишяпти.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Банклардан кредит олиш, лизинг асосида хориждан техника келтириш, сугурта компаниялари хизматидан фойдаланиш — булар тадбиркорлар ва фермерлар фаолиятига хос амаллардан ҳисобланади.

Тадбиркорлар тадбири

Нукусда бўлиб ўтган "Кредит, лизинг ва сугурта масалалари" мавзусидаги бизнес форумда ушбу масалалар ҳақида фикр юритилди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси, палатанинг Хитой Халқ Республикасидаги Гуанчжоу шаҳар савдо уйи, акциядорлик тижорат "Пахтабанк", "Ўзбекинвест", "Uzbekleas International" АЖ сугурта компаниялари биргалликда ташкил этган мазкур тадбир қатнашчилари ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишди.

Х. АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Куйи Чирчиқ туманида 900 минг АҚШ доллари эвазига қад ростилаган "Daeshin megateх" қўшма корхонасида маҳаллий хотин-қизлардан 320 нафари меҳнат қилаяпти.

Корхонанинг дадил одими

Улар хориждан келтирилган 135 та замонавий тивув дастгоҳида кунига 10 минг дона эркаклар ва аёлларбоп трикотаж либослар тайёрлашмоқда. Бу маҳсулотлар сифатлиги ва бежиримлиги билан ташқи бозорда ҳам ўз харидорини топмоқда.

А. ҲАЙДАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«БЕШТЕКС» ЖАҲОН БОЗОРИГА ЧИҚМОҚДА

"Бештекс" — Фарғона вилоятидаги энгил саноат корхоналарининг энг кенжаларидан бири. Дастлаб тўқимачилик корхонаси сифатида иш бошлаган бу жамоа 2002 йилда "Бешариктекстил" акциядорлик жамиятига айлантирилган, асосан ип қалава ишлаб чиқарила бошланди.

Лекин бу нафақат таъсирчиларнинг, балки корхона келажагига умид қўзларини тиккан ишчиларнинг ҳам ишончини оқламади. Шу боис бундан уч йил аввал корхона мукдорлари


(Давоми 2-бетда).

Ер — умуммиллий бойлигимиз

2009

йилда мамлакатимизда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишлари учун


130 миллиард сўм миқдорда маблағ ажратилиши кўзда тутилмоқда.



Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган экин ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва умумдорлигини ошириш Давлат дастури доирасида олиб борилаётган бу ишлар натижасида ҳар бир гектар ернинг ҳосилдорлиги янада ошади, қишлоқ хўжалик неъматлари мўл-кўллиги таъминланади.



(Давоми 2-бетда).



ВАТАНГА МУҲАББАТ ВА САДОҚАТ

(Давоми. Боши 1-бетда).
декадалар ўтказиб борилди. Масалан, ўтган йили октябрь ойи тил ойлиги деб аталди. Режага мувофиқ, ой давомида давлат тилига оид очик дарслар, дарсдан кейинги тадбирлар, машҳур кишилар билан мулоқот ва ўқувчилар амалга оширилди. Ноябрь ва декабрь ойлари давомида физика ва биология фанлари де-

кадалари ўтказилди. Бундан ташқари, ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти қошида «Заковат» интеллектуал клуби ташкил этилган. Лицейнинг «Легион» жамоаси ҳам шу мазмундаги мусобақаларнинг республика саралаш босқичларида иштирок этмоқда. Табиийки, академик лицейда таъ-

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

лимнинг муайян бир йўналиши ҳарбий ва жисмоний тайёргарликка қаратилган. Шу боис бу ерда ҳарбий ва жисмоний фанлар кафедраси ҳам мавжуд. Тарбияланувчилар маданий-маърифий тадбирлар доирасида турли беллашувлар, спорт мусобақаларида қатнашадилар. Уларнинг бир қисми Чирчиқдаги олий танк қўмондонлик-муҳандислик, бир қисми эса Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртыга боришиб, мавжуд шарт-шароитлар, ўқиш жараёни билан танишиб қайтдилар. Тошкент Аҳборот технологиялари университети қошидаги махсус факультет курсантлари билан учрашувлар ўтказилди. «Фуқаро муҳофазаси», «Қўл жанги» секцияларига лицейнинг деярли барча тарбияланувчилари жалб этилган. Ўтган вақт мобайнида гуруҳ ётоқхоналари, мустақил дарс тайёрлаш хоналари белгиланган тартибда жиҳозланди, саф майдони жанговар тайёргарлик бўйича қўшимча кўрғазмали қуроллар билан бойитилди.

Хуллас, бугунги кунда бу билим масканида олиб борилаётган ўқув-тарбиявий ишлар, ташкилий тадбирларнинг барчаси ёшларимизни Ватанга муҳаббат, элу юртга садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган. Янада аниқроқ айтганда, Ватан олдидаги бурч академик лицей ўқув хоналаридан бошланади.

А. БОЛИЕВ.
СУРАТЛАРДА: лицей ҳаётидан лавҳалар.
Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида мудоғалар ва ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мувофиқ, Жиззах вилоятида чақирма-қача ёшларини ҳарбий хизматга тайёрлаш ишлари кўламини кенгайтиришга, ҳарбий-техник мутахассислар тайёрлаш сифатини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

АРМИЯМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ЗАХИРАСИ

Ўзбекистон мудофасага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Жиззах вилояти кенгаши халқ таълими ва мудофаса ишлари бошқармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят бўлими ҳамда маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда Ватан ҳимоячилари куни олдида умумтаълим мактабларида, касб-хўнара коллежларида, олий ўқув юртыда оммавий спорт мусобақалари, маданий-маърифий тадбирлар, ўқувчилар ўтказиб берди. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислохотларнинг самаралари, ҳарбийларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик ҳақида сўз борди. Ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

— Моддий-техник базани мустаҳкамлашга, замонавий ўқув-машқ жиҳозлари билан таъминлашга берилган эътибор туфайли фаоллаштирилган кўламини сайин кенгайтириб бораётир. — дейди «Ватанпарвар» ташкилоти Жиззах вилояти кенгаши техник ва олий спорт турлари маркази директори Зоиранон Одилов. — Марказимизда ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун барча шароит мавжуд. Ватан ҳимоячилари куни арафасида вилоятимизнинг шахар ва туманларида қизиқarli спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

Т. БЕКЖАРОВ,
Ўза мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Сўнги савдо натижаси

Нью-Йорк хом ашё биржасида ўтказилган сўнги савдолар чоғида нефть нархи 12 фоизга арзонлашган.




«AP» ахборот агентлиги ҳақида келтирилишича, «WPT» типидagi бир баррель «қора олтин» 42,63 АҚШ долларига баҳоланган. АҚШ бозорларида нефть нархининг бундай кескин тушиб кетиши мамлакатда ушбу маҳсулот захирасининг олиб кетгани билан изоҳланмоқда. Жумладан, ҳозирда «қора олтин» захираси 6,7 миллион баррелга етган. Экспертлар аснода бу кўрсаткич 1,5 миллион баррель бўлса, мақсадга мувофиқ эканини таъкидлашмоқда.

Европа бозорларида ҳам нефть нархи 4,67 АҚШ долларига арзонлашган.

Талафот кўлами ошмоқда

«France Presse» ахборот агентлиги маълумотларига қараганда, **Ғазо секторига Исроил ҳарбийлари томонидан олиб борилаётган жанговар ҳаракатлар туфайли талафотлар кўлами тобора ошиб бормоқда.**



Манбаларда келтирилишича, 27 декабрдан буён давом этаётган ҳарбий ҳаракатлар оқибатида 700 киши ҳалок бўлган, 3000 нафардан ортиқ киши жароҳатланган. Жабр кўрган ва ҳаётдан кўз юмганларнинг аксарияти тинч


аҳоли вақиллари экани айтилмоқда.

Ун икки кунлик жанглардан сўнг худудга инсонпарварлик ёрдамларини киритиш ва яраланганларни хавфсиз жойларга кўчириш мақсадида кеча уч соат мобайнида ҳарбий ҳаракатлар тўхтатилган.

Шу ўринда айтиб ўтиш керак, мазкур воқеа халқроқ ҳамжамиятнинг эътирозлари ҳам сабаб бўлмоқда. Исроилга жоҳорони тинч йўл билан ҳал қилиш тақлиф этилмоқда.

Ғолибга — тувакдаги гул

Спорт соҳасида тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақаси саналган Олимпиада ўйинларининг навбатдагиси 2012 йили Лондон шаҳрида ўтишидан хабарингиз бор.



Мазкур мусобақа ташкилотчилари Ғолибларни тақдирлаш тизимига ўзгартириш киритишни режалаштирмоқдалар. «The Daily Telegraph» нашрининг ёзишича, Лондон-2012 совриндорларига аънанавий кўтлаш маросимида гулдаси ўрнига тувакдаги гул ҳадя этилар экан.

— Хар йили Ўзда Буюк Британия боғларида чиرويли гуллар ўсади, — дейди ташкилий ишлар назоратчиси Тесса Жоуэлл. — Шундай экан, чет давлатлардан буюртма асосида гулдасалар келтирилишига асло ҳожат йўқ.

Айни пайтда Қироллик боғдорчилик жамияти айнан қайси гул турини тувак билан совға қилса мақсадга мувофиқ экани ҳақида бош қотирмоқда.

Кечиккан омад

АҚШнинг Коннектикут штатида яшовчи Дональд Питерс сотиб олган лотерея чиптасига 10 миллион АҚШ доллари миқдорида ютуқ қилди.

Питерс чиптани 2008 йилнинг биринчи ноябрь санасида харид қилган. Ачинарлиси, айтиш учун у юрак хуруждан вафот этган. Яқинда лотерея натижалари эълон қилинди ва унда марҳум Питерснинг чиптаси омад келтирган маълум бўлди. Ғолиб ҳаётдан кўз юмгани боис ютуқ унинг рафиқаси Шарлотт Питерсга топширилди.

«Яхшиям, чиптани ташлаб юбормаган эканман» деди у.

Энг қиммат шаҳар



Мутахассислар у ердаги 125 тур маҳсулот ва хизматлар нархларини таққослашганда, бошқа шаҳарларга нисбатан анча қиммат эканига гувоҳ бўлишган. Жумладан, Луандада бир литр сутнинг баҳоси 3 АҚШ долларига тенг бўлса, шаҳар марказидаги икки хонали уйнинг бир ойлик ижараси етти минг АҚШ долларигача тўғри келади.

Рейтингда Япония пойтахти Токио шаҳри иккинчи ўриндан жой олган. Айтиб ўтиш керак, 2008 йилда Москва энг қиммат шаҳар сифатида маълум қилинганди.

Ғолокат оёқ остида

Шотландиянинг Абердиншир графлигидаги меҳмонхоналардан бирида портлаш юз берди.

Натижада бино жиддий талафот кўрган. Бахтсиз воқеа сабаб уч киши жароҳатланган, дейилади «Sky News» хабариди. Мамлакат ҳукумат мудофаса қилиш идоралари таҳмин-

ларига кўра, портлаш меҳмонхона ошхонасида газ чиқиб кетган юз берган бўлиши мумкин. Воқеа юзасидан текшириш ишлари олиб борилмақда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ҲАРБИЙ БИЛИМ ЮРТИДАГИ УЧРАШУВ

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари билан учрашув бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаса вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатимиз мудофая тизимида илмий ва маданий-маърифий ҳордиқ чикариши учун барча шароит яратилган. Жумладан, шинам ётоқхоналар, кўп ўринли ошхона, замонавий кутубхона, компьютер хоналари улур ҳизматиди.

Яратилган бундай қўлайлик курсантларнинг етуқ командирлар — ҳар қандай мураккаб вазиятда тезкор ва тўғри қарор қабул қила оладиган, интеллектуал салоҳияти юқори, халқимиз ва миллий истиқлол ғояларига садоқатли офицерлар бўлиб етишишга қаратилган.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг ибратли ҳаёти ва офицерлик масъулияти ҳақида гап борган учрашувда Қиролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислохотлар бераётган самаралар алоҳида қайд этилди.

Х. САЛИМОВ,
Ўза мухбири.

Урганчилик ёш оила аъзолари — Азамат Султонназаров ва унинг турмуш ўртоғи Гулноза Рўзметовалар яқинда шаҳарнинг Наманган кўчасидаги кўпқаватли уйдан шинам хонадон сотиб олдилар.

— **Ўз уйимиз бўлишини орзу қилиб юрган эдик. Президентимизнинг ёшларга эътибори ва ғамхўрлиги туфайли орзуимиз ушадди, — дейди Гулнозахон қувончини яшира олмай.** —

«Санотқурилишбанк» акциядорлик-тижорат банкнинг Хоразм минтақавий филиалига ипотека кредити сўраб мурожаат қилдик. Аризамиз ижобий ҳал бўлди. Бизга 25 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Ана шу ҳисобдан уй-жойли бўлдик. Уй тўйимизга йиғилган қариндош-уруғлар биз, ёшларни оталарча қўллаб-қувватлаётган Юртбошимиз ҳаққига қайта-қайта дуолар қилишди. Биз бугун жуда бахтлимиз...

Бундай хурсандчилик сўзларини бугун кўплай ёш оилалардан эшитиш мумкин.



ЁШ ОИЛАЛАР ҚУВОНЧИ

Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, чиндан ҳам, мамлакатимиз ёшлари ҳаётига катта қувонч олиб кирди. Жумладан, Хоразм вилоятидаги тижорат банклари давлатимиз раҳбарининг мазкур Фармонида белгиланган вазифаларни бажаришда фаол қатнашмоқдалар. 2007 йилнинг ўзида биз юқорида аслаган «Санотқурилишбанк» акциядорлик-тижорат банкнинг Хоразм минтақавий филиали молиявий ёрдамимида 145 та ёш оила янги уйлارга кўчиб ўтди. «Ёшлар йили»да эса яна 152 та ёш оила ана шу банкнинг ипотека кредитларига мурожаат қилди. Тез куларда вилоятда навбатдаги 3 та 32 та хонадонли кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди. Шунингдек, вилоятда қарийб 200 нафар ёш ўқувчиларнинг оиласига яқна тартибда уй-жой қуришлари учун ер участкалари ажратилиб, ушбу банк филиали бу ёш ўқувчиларнинг уй-жойи қурилишига ҳам ёрдам қилиши ҳақида.

Умуман Президентимизнинг ёш оилаларга доир Фармони топшириқларини бажара бориб, ўтган бир ярим йил ичида хоразмлик ёшларга 1044 та истеъмол кредитлари, 691 та ёш оилалга ипотека кредитлари ажратилди.

Республикамизнинг бошқа жойларда бўлгани каби, Хоразм вилоятида ҳам Президентимиз Фармони ижросини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, бу режа босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Унга кўра, молиявий ёрдам олиш истагидаги ҳеч бир ёш оила эътибордан четда қолаётгани йўқ. Вилоятдаги тижорат банклари томонидан ёш оилаларга 2007 йилда уй-жой сотиб олишлари ёки уй-жой қурилиши учун 2 миллиард 302 миллион сўмдан зиёд, 2008 йилда эса 3 миллиард 913 миллион сўмдан ортиқ ипотека ва истеъмол кредитлари ажратилди.

Маълумки, Фармонда ёшларнинг ўз барқарор даромад манбаларини шакллантиришга кўмаклашиш ҳам муҳим вазифалардан бири этиб белгиланган. Вилоятдаги молиявий мурассааларнинг бу йўналишда амалга оширилаётган ишлари ҳам эътиборга лойиқдир. Чунинчи, 2007 йили вилоятдаги ёш тадбиркорларга 1 миллиард 722 миллион сўмдан кўпроқ мадда маблағлари ажратилган бўлса, ўтган йилда навбатдаги ариза берганларга яна 1 миллиард 624 миллион сўм микрокредит тақдим этилди. Шу таразда, Хоразмда ёш тадбиркор-

лар кўпаймоқда. Мисол учун, ёш тадбиркор М. Матёкубов қандолат маҳсулотлари тайёрлайдиган «Тельман Гранд» хусусий корхонасини очди. Бунинг учун у «Пахтабанк» акциядорлик-тижорат банкнинг вилоят филиали Қоровул бўлимидан 10 миллион сўмлик имтиёзли кредит олган, ишлари юришиб кетди. Оилада 4 киши ишли бўлди. Ҳозир бу кичик корхона ҳар ойда 1 миллион сўмлик қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда.

Вилоятдаги ёшлар нафақат уй-жой сотиб олиш ёки тадбиркорлик билан шуғулланиш, балки оилавий шароитни яхшилаш, кўнгиллари тусаган рўзгор буюмларини харид қилиш учун ҳам тижорат банклари мурожаат қилиб, истеъмол кредитлари олишга эришмоқдалар. Жумладан, 2007 йилда 609 та ёш оила банкларга шу мақсадда мурожаат қилиб, 1 миллиард 179 миллион сўмдан кўпроқ ёрдам олишган бўлса, 2008 йилда 1044 та ёш оилаларга 2 миллиард 552 миллион сўм маблағ ажратилди. Атиги битта далил: урганчилик Умрбек Матнўёзов банкнинг молиявий кўмагида 1 миллион 300 миң сўмлик телевизор ва кондиционер сотиб олди.

Вилоят тижорат банклари яна бир

Фармон ва ижро

Янги шифо маскани

Жарқўрган туманининг Деҳқонобод маҳалласида янги қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Бу туман худудидаги шифо масканларининг ўн учинчисидир.

— Лойиқа қиймати 115 миллион сўмга тенг муассасамиз «Саломатлик-2» дастурига кўра замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, — дейди КВП мудири Шокир Ҳазраткулов. — Фермерлар ва тадбиркорлар сihatтоҳчи ободонлаштириш ҳамда кўшимча жиҳозлар билан таъминлашга кўмаклашмоқдалар.

У. ОЛИМЖОНОВ.

SONATA Ўз йўлингни танла!

КАФОЛАТ — 2 ЙИЛ.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

HYUNDAI Official Partner

Tel. 250-11-11

Drive your way

ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ

4400 доза икки валентлик, 5100 доза тўрт валентлик АСҲ-135 менингококк вакцинаси, 9500 доза грипп вакцинаси харид қилишга ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Ҳисоб-китоб миллий валютада пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Таклифлар 2009 йил 5 февралгача қабул қилинади.

Маълумот учун телефон: 240-18-58.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Андижон тиббиёт институтининг собиқ ректори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби **Раҳим Муҳамедович НУРМУҲАМЕДОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларида чуқур ҳамдардилик билдирилади.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

Баҳслар қизгин паллага кирди



Пойтахтимизда шахмат бўйича Янги йил байрамига бағишланган турнир давом этмоқда.

Унда 8 ёшдан 18 ёшгача бўлган иқтидорли шахматчилар ғолиблик учун дона сурмоқдалар. Олтинчи тур учрашуваридан сўнг "А" гуруҳида ФИДЕ устаси Ирина Георгян пешқадим бўлиб турибди. Иккинчи ва учинчи ўринларда эса Борис Лебедев ва Олег Артеменколар боршибди.

Қиш — машқлар фасли

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий чемпионати олий лигасида иштирок этаётган жамоалар янги мавсумга тайёрларли машғулотларини бошлаб юборишди.

Амалдаги чемпион "Бунёдкор" Испанияда ўқув-йигини машғулотларини олиб бормоқда. Кумуш медаль солинган "Пахтакор" эса 17 январь кунини Москвадаги старт оладиган МДХ ва Болтикбўйи мамлакатлари чемпионлари кубогини олдидан Бирлашган Араб Амирликларидан таркибиди сўнгги бор синовдан ўтказмоқда. Утган мавсумини ўзининг ўрин билан яқунлаган "Нефтчи" жамоаси ҳам 10 январь кунини Бирлашган Араб Амирликларига жўнаб кета-

ди. Жорий йил ўз олдига катта мақсадларни қўйган "Насф" эса пойтахтда машғулотларда қатнашмоқда. Кеча "Насф" жамоаси Ўзбекистон футбол федерациясининг суний қопламали майдонига "Пахтакор" ўринборсарлари билан ўртоқлик учрашувини ўтказди. Уйда 0:0 дуранг натижа қайд этилди. Ташкилдор лозимки, Виктор Кумиков бошчилик қилаётган "Насф" жамоаси сафида етти нафар хорижлик легионер ҳам бор.

Биздан сизга ким керак?

1992 йилда туғилган футболчилардан ташкил топган Ўзбекистон ўсимлар терма жамоаси ҳужумчиси Аюбхон Гаппаров Россиянинг амалдаги чемпиони «Рубин» (Қозон) клубига ўтмоқда, деб хабар беради УФФ матбуот хизмати.



Яқинда истеъодли футболчи миз қозонликларнинг ўринборсарлари таркибида машғулотларда иштирок этади. Маълумотларга қараганда, "Пахтакор" эъзоси Аюбхон Гаппаров «Рубин» мураббийларида илтиқ таассурот қолдирган. Айни пайтда иккала клуб раҳбарияти ўртасида музокаралар олиб боришмоқда. Гаппаровдан ташқари, "Рубин" Москвада старт оладиган МДХ ва Болтикбўйи мамлакатлари чемпионлари кубогини қўшилиши кўтилмоқда. Шунингдек, Россия чемпиони "Пахтакор" ва Ўзбекистон ўсимлар терма жамоасининг яна икки нафар футболчиси Акрам Бахриддинов ва Абдулмуслиб Абдуллаев билан қизиқтаргани ҳақида ҳам хабарлар тарқатилган.

3. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ ҚУДРАТЛИ БЎЛУР



Пойтахтимиздаги "Бектемир" болалар спорт мажмуаси Истиқлолимизнинг 17 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилган. Барча шарт-шароитлар муҳайё этилган мазкур мажмуа қисқа вақт ичида болаларнинг сеvimли масканига айланиб улгурди.

Бугун бу ерда 400 нафар ўғил-қиз спортнинг футбол, бокс ва кикбоксинг каби бир қатор турлари билан шуғулланмоқда. Эътиборли жиҳати, яқинда қизлар футбол жамоаси ҳам фаолият кўрсата бошлади. Мажмуада бўлганимизда машғулотлар қизгин олиб борилаётганига гувоҳ бўлдик. Кенг, шимам ва ёруғ спорт залида турли ёшдаги болалар ўзлари севган спорт турлари билан шуғулланишмоқда. Уларнинг ҳар бири келгусида етук спортчи бўлиб етилиши орсусида. Ана шу истакка биз ҳам қўшилдик. Ниятимиз, "Бектемир" болалар спорт мажмуасида чиниққан ёшлар ҳам республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда муносиб иштирок этиб, юртимиз байрогини бандан кўтаршиш.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Футбол бўйича мамлакат чемпионати олий лигасида иштирок этаётган Самарқанднинг бош жамоаси — "Динамо" икки йилдан бўён совридорлар сафидан жой олишга ҳаракат қилаяпти.

Жамоат ўтган йилги мавсумда турнир жадвалининг олтинчи ўрни билан кифояланди. Иккибошларнинг аксари шу натижадан ҳам хурсанд. Негаки, қатор йиллар мобайлида, "Динамо"чилар бир маромда ўйин кўрсатишга олмади. Оқибатда бир неча бор кучлилар сафини тарк этиб, биринчи лигада туپ суришга ҳам мажбур бўлишди.

Самарқанд футболчи: КУЧЛИ ОЛТИЛИК ЧЕГАРАМИ?

Бундай чекинишларнинг асосий сабабларидан бири маҳаллий ёшларга эътиборсизлик эди. Қолаверса, боши мураббийнинг тез-тез алмаштирилиши, кўпроқ четдан жалб этилган ўйинчиларга умид боғланиши натижада имкониятлар бой берилди. Бунинг устига кечаякинги тарихий йил мобайлида турли холга тушиб туришлари ва ўртоқлик учрашуварлари билангина чегараланиб, футбол бўйича вилоят биринчилиги ўтказилмади. Шундай бўлган, захирадаги ўйинчиларни, ёшларни қаврдан излаш керак эди? — Федерациянинг иш фаолиятини

тахлил қилиб, уни қайтадан ташкил қилдик, — дейди вилоят футбол федерацияси масъул котиби Шухрат Сайфуллоев. — Самарқанд шаҳридаги "Локомотив" стадиони маъмурияти бизга икки хона ажратиб берди. Сулаймон Абдуллаев, Александр Бабаев, Дониёр Юсупов каби соғиб футболчиларни ишга жалб этдик. Вилоят ҳокимлиги кўмағида юмшоқ ва қаттиқ инвентарларга, замонавий компьютер, рангли телевизор, ўйинларни қайта томоша қилиб таҳлил этиш учун видеотехникаларга эга бўлдик. Федерацияда назоратчи ҳакамлар қўмитаси, ҳакамлар

ри билан айбли деб топилиб, қилмишларига яраша жазоландилар. Бўҳорода ҳам худди шундай вояча бўлиб ўтганди. Нозима Фаёзуллаева деган айб ўз жиноий шериклари — олмаси Насиба Раҳमतulloева ҳамда Сабохат Фуломовалар билан тил бириктириб, Муборак Жасимовани "Кореядаги пластик ваводига даромадли ишга жойлаштириш" деб алдашди. Унинг паспортини олиб, виза қўйдиради. Уни Хитой Халқ Республикасига олиб чиқиб, тегвонда шахси аниқланмаган араб миллатига мансуб Самад исмига йилга 18 минг АҚШ долларида сотади. Муборак йилнинг охирига қадар Хитойнинг Гуанжу шаҳрида бўлиб ва уни ҳар кун бегона эркаклар билан ётишга мажбурлайдилар. Жиноий шериклар ундан эркаклар билан жинсий алоқада бўлиш эвазига 10 минг АҚШ доллари иштиқ беришни талаб қилишди. Энг қизиғи, жиноий шериклар бу қўрғунликни Муборакнинг олмаси Дурдонанинг бошига ҳам солишни режалаштиришди. Утган йилнинг октябр ойида улар Дурдонанинг паспортларини ҳам олишиб, Хитойга виза тўғрилашди. "Самолётта ўзинг пул топ", дейишди. Негадир ноябрь ойларига келиб, Дурдона Сурига кетаман, Хитойга бормайман, дейди. Жиноий шериклар эса Дурдона учун 600 доллар харажат қилганига ва ундан ушбу маблағни беришни талаб қилиди. Маблағни олаётган пайтда Нозима бошчиқ жиноий гуруҳ қўлига олинади.

Суд барча чигалликларга оидлик қилди. Жиноятчилар қилмишига муносиб тарзда жазоландилар. **Олим ТўРАЕВ,** жиноят ишлари бўйича Бўҳоро вилояти суди раисининг ўринбосари.

ОБ-ҲАВО

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёнғингарчилик кузатишмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушади. Хоразм тунда 0-2, кундузи эса 8-10 даража илтиқ бўлади. **Корканд вилояти Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ёнғингарчилик бўлмайди. Айрим жойларга туман тушади. Кечаси 2-7 даража совуқ, кундузи 3 даража совуқ билан 2 даража илтиқ атрофида. **Бўҳоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ёнғингарчилик кузатишмайди. Туман тушади. Кечаси 3 даража совуқ билан 2 даража илтиқ атрофида, кундузи эса 5-10 даража илтиқ бўлади. Навоий вилоятида тунда 2-7 даража совуқ, кундузи 3 даража совуқ — 2 даража илтиқ ўртасида бўлиши мумкин. **Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёнғингарчилик кузатишмайди. Туман тушади. Хоразм кечаси 3 даража совуқ — 2 даража илтиқ атрофида, кундузи эса 5-10 даража илтиқ бўлади. **Тошкент вилояти.** Ёнғингарчилик бўлмайди. Айрим жойларга туман тушади. Кечаси 3 даража совуқ билан 2 даража илтиқ ўртасида, кундузи 5-10 даража илтиқ бўлади. **Қўрқандар ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёнғингарчилик кузатишмайди. Кечаси 0-5, кундузи 10-15 даража илтиқ. **Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ёнғингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Хоразм кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 3-8 даража илтиқ. **«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

НОВЫЙ NISSAN X-TRAIL

X-TRAIL

Надежный, мощный, технологичный новый Nissan X-TRAIL — Ваш пропуск в мир незабываемых технологий.

СПЕЦИАЛЬНОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ

от официального дистрибьютора Nissan в Узбекистане — компании Premium Auto. ☎ 295 88 77

Цена от \$ 51 000, гарантия — 2 года, или 50 000 км пробег + ОСАГО в ПОДАРОК

Цены указаны с учетом таможенных платежей.

17130/1802

Бу дунёда ҳар қандай жиноят жазосиз оқмайди: эгри ташланган қадам қайсидадир нуқтада тойдини мукаррар, харом лўкма ошқозонни тешади, бузуқ ниет аллоҳкубат оидини чўхта еталайди, манфаатпарастлик қачонларидир шармандалик ботқонига олиб боради. Хеч ким билмайди, ҳеч ким кўрмайди, деб қилган пилқона ҳар қандай жиноятининг охири вайди. Суд ҳужжатлари бирма-бир варақлар эканан, хаёлинган ана шундай кечинималар ўтаверади. Бу кечинималарни кимдир бугун қилди, кимдир уни қайтадан такрорлади ва яна кимдир бу тўғра билмасдан тушиқ қолди...

БИЛМАЙДИ БОСМАНГ

Латофат Асадова, Шамсия Мавлонова, Роҳила Абдуллаева ва Толибжон Ҳамроевларнинг ҳеч қайсиси тайинли бир жойда ишламайди. Кўр кўрни қоронғида топибди, деганларидек, уларнинг ҳам бир-бири билан тил топишиши қийин кечмади. Нарс ўлқонига тушган бу ҳаётвоқларнинг барчасини бирлаштирган нарсаси гавра эди. Табиийки, гавраининг сўрада адоват, маънафат, қўйинтиги, оғир жиноят этади. Уларнинг ҳар бири бунинг билари, яши аңларди, бироқ нафс деган балонинг домни чигал экан, гирдобни кучли экан. Бу уларнинг ниятларини бугди, бирларини адоват ва уларнинг қисматини чигаллаштириш эвазига лаззатли яшаш тутумини афзал билиди. Сунда сўроқ қилинган 38 ёшли Латофат айбига икорлик билдириб, ўз қилмишидан пушаймонлигини баён этади. Унинг Қозғистон Республикасидаги ошқоналардан бирида ишлаётган Фариди исми таниши 2008 йил феврал ойи бошларида сизм қўюб, чироқли қизлардан топиб беришни сўради. Қизлар фаҳшилик билан пул ишлашини айтиб, Латофатга хизматлари ерда қолмаслигини, ўзи ҳам бунинг ортидан мўмайгина даромад топиши мумкинлигини шавма қилди. Текин даромад тавсияси Латофатга мўйдай ёқади. У узок ўйлаб ўтирамай таниши Шамсияга сизм қокди. Негаки, унинг бундай ишларга "суяғи йўқроқ". Шамсия ҳар бир қиз учун 400 АҚШ доллари берилишини эшитибкоқ, вазифани зудлик билан "есты" қилишини айтди ва шу ондаёқ ишга киришди. Шамсия дастлаб шаҳар адвокатураси ортида яшовчи Роҳилани излашга тушди. Унинг ўйида бозори Қозғистонга ишга жўнатади. У ерда уринишда қўрмаган пул топасизлар. Шамсия шундай дедя Қозғистондаги жаннатий хаёт ҳақидаги чўнчагини сўзлай кетди. Қизлар ҳам хаёлида қўларидя суғургию, тиминисиз тенге ва дол-

ТИКАНИ...

пиг ҳам Роҳиланинг ўйда экан. — Қизларни нимча қиласиз? — сўради Толибжон. — Уларни Қозғистонга солтаиз, илжи бўлса, ёш ва чироқли бўлсин, — деди Шамсия. — Сени ҳам қўроқ қўймайми. Хар бири учун 200 "қўқи"-дан олсан. Толиб рози бўлди. Эртасига — 2008 йил 10 февраль кунини эрталаб улар Толибжон етاكلонида "Трикотажин"га келишибди. Толибжон машинадан тушибди, кўпқаватли уларнинг берига кириб кетди. Бироздан сўнг ўзи билан бирга учта қизни олиб чикди. Қизларни қўриб Шамсиянинг оғиз очилиб қолди — кўз ўнгидя бири биридан гўзал, сарвоқмат учта малаксыймо турад эди. "Кироқий қизнинг эги келинини шундай бўлса эди..." Шамсиянинг лаблари пичирлади. Аммо Латофатнинг Қозғистон тўғрисидаги гапи эсига тушибди, бирдан сергакланди. Энди у қизларга ўзи қўлга киритадиган долларлар орқали назар ташлади. Қарангки, ўша малаксиймолар энди оддий "товар" бўлиб қўринди кўзига. — Мен сизларни бир олақан билан таништиришман, — деди Шамсия қизларга. — У сизларни Қозғистонга ишга жўнатади. У ерда уринишда қўрмаган пул топасизлар. Шамсия шундай дедя Қозғистондаги жаннатий хаёт ҳақидаги чўнчагини сўзлай кетди. Қизлар ҳам хаёлида қўларидя суғургию, тиминисиз тенге ва дол-

лигини айтди. Шу ерда уни ИИБ ходимлари ушлашди... Бу пайтда Шамсиянинг ҳам боши котланди. У иккинчи қиз — Зулфия учун 200 доллар тўлаган, уни бошқа йўл билан Зилоланнинг олмаси жўнатоққ ниетийда эди. Зулфия паспортини олибди, ундан қайтиб чикмади. Телефон қилганди. Зулфиянинг олмаси уришиб берди. Зулфия ҳеч қайқа бормаслигини айтди. Айни шу даяларда эса Роҳила ва Толибжонлар олган пулларини бўлишиб, бозорлик қилиб юришарди. Текин топилагани долларлар уларнинг иштасини очиб юборган, одам савдосининг янада мукамал ва мўмайроқ йўллари хақида бош котирикоқда эдилар. Аммо бу хом хаёлар узокқа чўзилмади. Одил суд ўз сўзини айтди. Уларнинг ҳар бири Ўзбекистон Республикаси Жиноят қодексининг бир қатор моддалари

етарли. "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун, қолверса ушбу Қонуннинг қатий ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Одам савдосига қарши курашиш самардорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори (2008 йил 8 июль) давр такоз этган ана шундай ҳужжатлардир. Қонунга сунбий яшашни ўрганайлик. Чунки қонун бизни ҳар қандай балои офатлардан, хафву хатарлардан ҳўмо қилишга қодирдир!

Олим ТўРАЕВ, жиноят ишлари бўйича Бўҳоро вилояти суди раисининг ўринбосари.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўтқир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатта олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 57. 50430 нусхадя босилди, ҳажми — 2 табок. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Дирекция 233-52-55;

Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказидя терийлда ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материали

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» қўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.00. Топширилди — 23.40

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар қўчаси, 32-уй. Набатчи қотиб — Ю. Ҳамидов. Набатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов. Набатчи — О. Файзиев. Мусаҳҳах — Ш. Машраббеов.

МАДАНИЯТ

хабарлари

Жаҳон иқтисодиётини ва дипломатия университетининг эллиқдан зиёд битирувчилари юртимизда фаолият юритаётган "Италяни тили маркази"нинг сертификатларига эга бўлишди.

Тил билган эл билади

Марказ фаолияти мамлакатимизда италяни тилини ўрганишга қизиққан йигит-қизлар учун мўлжалланган. Унинг қутубхонасида мингдан зиёд китоб, қўлаб аудио ва видео материал бор. Ушбу маскан юртимиздаги барча олий ўқув юртлири ўқитувчи ва талабалари учун услубий база бўлиб хизмат қилаяпти. Марказда махсус малака ошириш курслари ҳам ташкил этилган. Ўқув дарслари хорижий мутахассислар томонидан олиб борилади. Марказда ёшлар CILS (Certificato d'italiano Come Lingua Straniera) имтиҳонини мувафқиятли топширганларидан сўнг италяни тилида дарс бериш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

О. ФАЙЗИЕВ.

Шоир ижодига бағишланди

Қорақалпоқ давлат университетида Бердақ номидаги давлат мукофоти совридорли Аббас Дабилов таваллудининг 110 йиллигига бағишланган республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Унда ижодкорнинг адабиётимизни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси, шоир қаламига мансуб "Баҳодир" достонининг бугунги кундаги аҳамияти тўғрисида сўз борди.

Х. АҲМЕДОВ,

«Халқ сўзи» мухбири.

Болаларга қувонч улашиб

Ўзбекистон «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан жойларда ташкил этилаётган Янги йил байрами тадбирлари қичкинтойларда катта қизиққиш уйғотмоқда.

Пойтахтимизнинг «Корасарой» маҳалласида ўтган ана шундай шодиёнага юз нафарга яқин кам таъминланган оилалар фарзандлари оилафурт этилди.

Болалар Қорбобо, Қорқиз ва эртак харамонларининг қичқиллашини мириқиб томоша қилдилар. Глиэр номидаги республика махсус муסיқа академик лицейи ўқувчилари иштирокидаги концерт даярага янада файз киритди. Болаларга байрам совғалари улашилди.

Б. ХИДИРОВА,

ЎЗА мухбири.